



Tadqiqot UZ



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**30 APREL
№27**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 27-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
23 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
27-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-23**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
27-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-23**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 27-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ақтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Мавланов Жавоҳир Сарвар ўғли, Дилмуродов Шерзод Дилмуродович
ЛАЛМИКОРЛИҚДА МАХАЛЛИЙ ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ
НАВЛАР ИШТИРОКИДА ДУРАГАЙЛАШ ИШЛАРИ..... 7



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎТ:633.112.1:631.52

ЛАЛМИКОРЛИҚДА МАХАЛЛИЙ ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ НАВЛАР ИШТИРОКИДА ДУРАГАЙЛАШ ИШЛАРИ

**Мавланов Жавоҳир Сарвар ўғли¹,
Дилмуродов Шерзод Дилмуродович²**

¹Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси таянч докторанти.
Тел : +998945744585, javokhir_m@mail.ru

²Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти
Қашқадарё филиали, к.х.ф.ф.д.(PhD), к.и.х.

Аннотация: Ушбу мақолада лалмикор майдонлар учун маҳаллий қаттиқ буғдойнинг турли экотипларга мансуб бўлган нав ва тизмалари иштирокида дурагайлаш ишларининг 2017-2020 йиллардаги натижалари келтирилган. Дурагайлаш натижасида олинган дурагай авлодларининг донлар ҳосил бўлиш самарадорлиги аниқланган.

Калит сўзлар: лалмикорлик, қаттиқ буғдой, дурагайлаш, маҳаллий нав, нав намуналар.

Кириш. Ҳозирги пайтда Республикаимизнинг лалмикор ерларида экиш учун қаттиқ буғдойнинг навлари юқори ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлсада, уларда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари таъсирида йиллар бўйича бир маромда ҳосил бермаслиги ва дон сифатининг пастлиги кузатилмоқда. Шу сабабли республиканинг лалмикор минтақалари учун мос бўлган ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, ҳосилдор ва дон сифати юқори бўлган янги навларни яратиш долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек Республикаимизнинг лалмикор майдонлари учун тупроқ-иклим шароитига мос навларни яратиш ва танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим. Бунинг учун хорижий нав намуналарини ўрганиб, ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли, эртапишар, ҳосилдор ва дон сифати юқори нав намуналарни танлаб олиш. Танлаб олинган хорижий нав намуналарни маҳаллий қаттиқ буғдой навлари билан мақсадли чатиштириш ўтказиш, ҳамда ўрта бўғин дурагайларида белгиларни таҳлил қилиш ва ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли, эртапишар, ҳосилдор ҳамда дон сифати юқори бўлган линияларни танлаш айниқса долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ф.Г. Кириченконинг таъкидлашича ташқи муҳит омилларига чидамли янги буғдой навларини яратиш мақсадида дурагайлашда оналик сифатида маҳаллий навларни олиш керак, оталик сифатида эса юқори ҳосилдорликка эга бўлган, келиб чиқиши бошқа географик минтақадан бўлган навларни қўллаш юқори самара беради. Улар бир вақтнинг ўзида комплекс йирик, сифатли донга ва эртапишарлик хусусиятларига эга бўлиши билан бир қаторда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли бўлган оналик шаклларида кам бўлмаслиги керак [1].

Тадқиқотнинг мақсади - Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида Қурғоқчилик минтақаларда қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA)дан келтирилган қаттиқ буғдойнинг янги нав намуналарини дала ва лаборатория шароитида баҳолаб, ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли, эртапишар, ҳосилдор ҳамда дон сифати юқори бўлган нав намуналарни аниқлаб, уларни маҳаллий навлар билан дурагайлаш ҳамда улар асосида бошланғич манбаларни яратиш ҳисобланади.

Материаллар ва методлар. Илмий-тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг лалмикор тажриба



майдонининг қир-адирлик минтақасида олиб борилди. Тажриба кузатувлари, таҳлиллар Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР, 1984) [2] ҳамда ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси томонидан қабул қилинган услубий қўлланма (2004) [3] бўйича ўрганилди. Дурагайлаш ишларида ўсимликларни бичиш П.П. Лукъяненко (1973) услубида [4], чанглантириш twell услубида (Мерожко, Эрохин, Юдин 1973) амалга оширилди [5].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Маҳаллий шароитга мос бўлган белги ва хусусиятларни сақлаб қолиш мақсадида дурагайлаш ишларида оналик сифатида маҳаллий навлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Яъни дурагайлашда асосий ирсий белги ва хусусиятлар оналик сифатида олинган навадан кўпроқ ўтади. Шу боисдан чатиштиришда она ўсимлик (♀) сифатида асосан маҳаллий Леукурум-3, Марварид, Жавохир, Ёкут-2014 навларидан, ота ўсимлик (♂) сифатида асосан ICARDA халқаро марказидан ва ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтидан келтирилган янги қаттиқ буғдой нав намуналаридан фойдаланилди.

2016-2017 қишлоқ хўжалик йилида 80 та комбинацияда дурагайлаш ишлари олиб борилди. Дурагайлашда ҳар бир комбинация учун она ўсимликларнинг 1 тадан бошоғидан фойдаланилди. Чатиштириш ўтказилган 80 та комбинациядан 74 та комбинацияда дурагай уруғлари олишга эришилди. Тажриба натижаларига кўра она ўсимлик сифатида олинган маҳаллий қаттиқ буғдойнинг Леукурум-3 нави билан чатиштирилган Қўрғоқчилик минтақаларда қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA)дан келтирилган янги қаттиқ буғдой нав намуналари билан чатиштирилганда 33,3 % дан 84,3 % гача, Марварид маҳаллий нави билан чатиштирилган қаттиқ буғдой нав намуналарида 33,3 % дан 92,8 % гача, Жавохир маҳаллий нави билан чатиштирилган нав намуналарда 58,3 % дан 64,7 % гача дурагай уруғлари ҳосил бўлди.

2017-2018 қишлоқ хўжалик йилида 61 та комбинацияда дурагайлаш ишлари олиб борилди. Дурагайлаш ишлари натижасида 61 та комбинациядан 42 та комбинацияда дурагай уруғлари олинди. Дурагайлаш ишлари натижаларига кўра она ўсимлик сифатида олинган маҳаллий қаттиқ буғдойнинг Леукурум-3 нави билан хорижий қаттиқ буғдой нав намуналари билан чатиштирилганда 19,4 % дан 80,6% гача, Марварид нави билан чатиштирилганда 38,2% дан 100% гача, №258256 нави билан чатиштирилганда 41,1% дан 85,3 % гача дурагай уруғлари ҳосил бўлди.

2018-2019 қишлоқ хўжалик йилида 40 та комбинацияда дурагайлаш ишлари олиб борилди. Дурагайлаш ишларининг натижасида 40 та комбинациядан 31 та комбинацияда дурагай уруғлари олинди. Маҳаллий қаттиқ буғдойнинг Леукурум-3 навини она сифатида олганимизда 52,5 % дан 90,0 % гача , Марварид навида эса 42,9 % дан 73,7 % гача дурагай донлари олинди.

2019-2020 қишлоқ хўжалик йилида 65 та комбинацияда дурагайлаш ишлари олиб борилди. Дурагайлаш ишлари натижасида 65 та комбинациядан 61 та комбинацияда дурагай уруғлари олинди. Дурагайлаш ишлари натижаларига кўра она ўсимлик сифатида олинган маҳаллий қаттиқ буғдойнинг Леукурум-3 нави билан хориждан келтирилган қаттиқ буғдой нав намуналари билан чатиштирилганда 52,6 % дан 92,8 % гача, Марварид нави билан чатиштирилганда 50,0 % дан 84,2 % гача, Ёкут-2014 нави билан чатиштирилганда 65,7 % дан 97,6 % гача дурагай донлари ҳосил бўлди.

(1-жадвал)

Дурагайлаш натижалари, (Ғаллаорол 2017-2020 йй)

Кўрсаткич	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Жами
Комбинациялар сони, дон	80	61	40	65	246
Бичилган гуллар сони, дон	2554	2174	1473	2460	8661
Ҳосил бўлган дон сони, дон	1537	863	698	1804	4902
Ҳосил бўлган дон, %	60,2	39,7	47,4	73,3	56,6

Тўрт йиллик дурагайлаш ишларининг натижаларига кўра энг кўп бичилган гуллар сонига нисбатан дурагай донлари ҳосил бўлиши 2020 йил кузатилган(73,3%) бўлса, 2018 йил дурагайлаш ишларида дон ҳосил бўлиши бичилган гуллар сонига нисбатан дурагай уруғлари ҳосил бўлиши камайгани кузатилди(39,7%). (1-жадвал)

Хулоса. Аналитик селекция асосида, яъни табиий популяция- маҳаллий навлардан танлаш йўли билан яратилган селекцион навлар кўпинча ўзлари келиб чиққан дастлабки ўсимликларнинг белги ва хусусиятларини сақлайди. Уларда юкори ҳосилдорлик,



маҳсулотнинг сифатлилиги, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамлилиқ каби хусусиятлар яхши ривожланган бўлмайди. Бундай белги ва хусусиятлар мажмуига эга бўлган навларни дурагайлаш йўли билан яратиш мумкин.

Тажриба маълумотларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, лалмикор ерлар учун янги қаттиқ бугдой навларини яратишда дурагайлашда ўсимликларни бичиш (кастрация) ва чанглангириш белгиланган меъёрларга амал қилган ҳолдасифатли қилиб бажариш ҳамда маҳаллий навлар билан географик узоқ нав намуналарини чаптириш орқали зарур дурагай донларини олиш мумкин. Ушбу олинган дурагайлар асосида уларнинг кейинги F_2 - F_3 авлодларидан танлаш йўли билан ҳосилдор, дон сифати юқори ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли қаттиқ бугдойнинг янги тизма ва навларини яратиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кириченко Ф.Г. Методы создания зимостойких высокоурожайных и высококачественных сортов мягкой пшеницы и озимой твердой пшеницы. Сборник статей. М., 1962. с. 108-113.
2. Международный классификатор СЭВ Ленинград. 1984.
3. Омонов А.О. ва бошқалар. “Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича” услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004 й.
4. Лукьяненко П.П. «Селекция низкостебелных сортов озимой пшеницы для условий орошения». Вест. с-х науки 1973 №12. стр. 8-15.
5. Мерожко А. Ф., Эзрохин Л. М., Юдин А. Е. Эффективный метод опыления зерновых культур. Методические указания. Ленинград.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 27-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(23-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000